



ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2002 йил 22 май, чоршанба • №40 (11.428) • Эркин нарҳда сотилади

«ЭКСПО ИТАЛИЯ» НАМОЙИШ ЭТАДИ

Пойтахтимиздаги «Ўз-
экспомарказ» мажмуида
«Экспо Италия — 2002»
кўргазмаси очилди.

24 майга қадар давом
этадиган бу кўргазма Итали-
янинг «Интерэкспо» компани-
яси, Ўзбекистон Республикаси
Таъкидоти Иқтисодий
алоқалар вазирлиги ҳамда
Италиянинг Ўзбекистондаги
элчихонаси ҳамкорлигида
элчихонаси ҳамкорлигида
элчихонаси ҳамкорлигида
элчихонаси ҳамкорлигида

«Экспо Италия» мамла-
катимизда учинчи бор ўткази-
лапти. Бу галги кўргазма
аввалгиларидан тубдан фарқ
қилади. Хусусан, иштирок
этаётган фирма ва компани-
ялар сони бир неча баробар
кўп. Бундан ташқари,
«Экспо Италия — 2002» да
мамлакатимиз учун аънавий
ҳисобланган қишлоқ
ҳўжалиги маҳсулотларини
қайта ишлаш, енгил саноат
ҳамда терини қайта ишлаш
соҳаларида машғул бўлган
корхоналар билан бир
қаторда, болалар учун
маҳсулот ишлаб чиқарувчи,
сайёҳлик, хизмат кўрсатиш,
тошга ишлов бериш,
пойфазал ва бошқа соҳа-
ларда ном қозongan фирма
ва компаниялар қатнашмоқ-
да.

Кўргазманинг очилиш
маросимида сўзга чиққанлар
Ўзбекистон билан Италия
ўртасидаги иқтисодий-
сиёсий ҳамкорлик жадал
ривожланиб бораётганини
таъкидлади. Лекин ҳали
икки мамлакат алоқаларини
янада кенгайтириш учун
барча имкониятлар ишга
солингани йўқ. «Экспо
Италия» каби тадбирлар
ўзаро ҳамкорликнинг янада
кўп самара келтиришига
йўл очади.

(ЎЗА).

БЕКБОД МАРРАДА, НАВБАТ — ЯНГИЙЎЛ ВА ПСКЕНТГА

Вилоятимиз ҳўжаликларидан давлатга пилла
топириш қизгин паллага кирди

Тармоқ мутахассислари
ва тажрибали пиллакор-
ларнинг таъкидлашига
қараганда, бу йилги
кўкларм об-хавоси ипак
куртини парвариш қилиш-
га барвақт киришиш
ҳамда озука базасини
янада мустаҳкамлаш учун
жуда қулай келди.

Жумладан, сурункали
ёнгичарчилик мўл ва
сифатли озука базасига
замин эканлигини тўғри
тушуниш бир қатор туман
ва қўллаб ҳўжаликларда
ипак курти эрта жонлан-
тирилди ва уни ҳам
яйратиш, ҳам тўғдириш
боқиб учун аввалдан
қулай шарт-шароитлар
яратилди.

Айниқса, бекободлик
пиллакорлар соҳада катта
тажриба орттирганларини
амалда намойиш этдилар.
Улар куни кеча қабул
пунктига 145 тоннадан
зиёд «қумуш тола» топи-
риб, шартнома режасини
ортиги билан бажардилар.
Туман пиллакорларнинг
умумий ютуғига режани
вилоятда биринчи бўлиб
бажарган Мавлонов
номли, шунингдек, Наво-
ий номли, Улугбек номли,
«Дўстлик» ва «Янги ҳаёт»
ширкат ҳўжаликлари,
айниқса, салмоқли ҳисса
қўшди.


Оқўрғон туманидаги
«Ўзбекистон» ширкат
ҳўжалиги давлатга пилла
сотиш шартнома режасини
вилоятда иккинчи
бўлиб бажарди. Покент
туманидаги Навоий номли
ва Кўйчирик туманидаги

«Гулистон» ширкат ҳўжалик-
лари ҳам режага қўшимча
пилла топиришига кириш-
ди.

Ипак курти парваришини
барвақт ва уюшқоқлик
билан бошлаган Янгийўл
ва Пскент тумани пилла-
корлари режани бажариш
арафасида турибдилар.
Шунингдек, Оқўрғон ва
Чиноз туманлари ҳам эрта-
индин режадан ортикча

ҳосил топиришни бош-
лайди.

— Вилоятимиз ҳўжаликлар-
ида жами 22140 қути курт
парвариш қилинмоқда. —
дейди вилоят «Пилла»
акциядорлик бирлашмаси-
нинг етакчи мутахассиси
Абдусами Жалилов. —
Таъкидлаш жоизки, ҳосил
хар йилгидан мўл ва сифат-
ли бўлди. Бугунги кунга
режада белгиланган пилла



ҳосилининг ярмидан кўпи
йиғиб-териб олинди.
Айни кунларда қабул
пунктларига йиллик
режанинг 8-9 фоизи
миқдорда хом ашё
еткизиб берилмоқда. Ҳеч
шубҳасиз айтиш мумкин-
ки, режадагидан ортикча
сифатли қумуш тола
тайёрлаш учун вилоятим-
изда пухта замин
яратилган.

Абдусамид
Йўлдошев,
«Тошкент ҳақиқати»
муҳбири.



Ҳазнабуви Қўшоқова Бекобод туманидаги Мавлонов номли ширкат ҳўжалигининг энг
тажрибали пиллакорларидан. У хар йили бир қути атрофида ипак куртини парвариш
қилиб, давлатга 70-80 килограмм «қумуш тола» топиради. Бу йил ҳам у туманда
биринчилардан бўлиб, ана шундай мўл пилла етиштиришига эришди.

СУРАТДА: Ҳазнабуви Қўшоқова (ўртада) қўшилари Хонимой Қаримова ва Ҳадича Муродова
билан пилла тераётган пайт.

Б.САФАРОВ олган сурат.

Маънавият

УСТОЗЛАР БЕЛЛАШУВИ

Маърифатчиларимиз, маънавиятимиз фидойилари Юртбошимиз юри-
таётган сиёсатини қўллаб-қувватлаётганликлари, жамиятимизда нафа-
қат иқтисодий, балки, маънавий-маърифий соҳаларда рўй бераётган
янгиланишларини аввало, ўзлари пухта тушуниб, уларни тарғиб этаёт-
ганликлари барчамизни қувонтиради.

Айниқса, ёшларни мустақил фикрлашга
ўргатиш, фалсафий сермазмон мушоада-
лар юритган ҳолда бу кўникмаларни ҳаёт-
га татбиқ этиш масаласига кўпроқ эътибор
берилапти. Зеро, фақат шу йўсиндагина
биз қўзланган мақсадга, ёшларимиз қал-
бига маданий, маънавий ва маърифий та-
моилларни етказишга эриша оламиз.

Бу борада вилоятимизда бир қатор иш-
лар амалга оширилмоқда. Ана шундай тад-
бирлардан бири — Оқангарон шаҳридаги
саноат касб-хунара коллежида ўтказилган
«Энг яхши маънавият ўқитувчиси» кўрик-
танловининг вилоят босқичи ҳар қачонги-
дан қизқарчирок, жўшқин ва мазмунли
ўтди. Республика маънавият ва маърифат
маркази вилоят бўлими кенгаши, педагог
ҳодимларини қайта тайёрлаш ва мала-
касини ошириш институти ҳамда халқ таъ-
лими бошқармаси ташкил этган мазкур
тадбирда шахар ва туманлардан ташриф
бўйган 19 нафар маънавият ўқитувчилари
беллашдилар.

Муаллимларимиз, мураббий ва устозла-
римиз зиммасига юксак маънавиятчи, эр-
кин фикрли, истиқлол гоёларига содиқ,
фидойи, ватанпарвар ёшларни тарбиялаш-
дек муҳим ва масъулятли вазифа юкла-
тилган. Шу боис нуфузли танлов ҳайъати
ассосий эътиборни тадбирда қатнашаётган
ҳар бир маънавият ўқитувчисининг минбар-
да ўзини тутуши, билими, савияси, нутқ
сўзлаш маданиятини қандай эгаллаганили-
ги, эътиборни ассосий мавзуга қарата оли-
ши, берилган саволга тўғри ва лўнда жа-
воб бериши, шунингдек, ўз фикрини
ҳаётий мисоллар билан тўлдирга олиш
кўникмасига эгаллигига қаратдилар. Танлов
шартига кўра иштирокчилар ўзларини та-
ништирдилар, нотиклик санъатини намойи-
ш этдилар, тест саволларига жавоб бер-
дилар ҳамда эркин мавзуда ўз маҳоратла-
рини намойиш қилдилар. Танлов қатнаш-
чиларининг турмуш тажрибалари, билим
доиралари ва қобилиятлари хилма-хил
бўлганлиги сабабли ҳам танлов ғолибини
аниқлаш осон келмади.

— Инсонни камолотга эриштира бериш
ҳамма вақт жамият олдида турган муҳим ва
долзарб вазифалардан бири бўлиб келган
ва шундай бўлиб қолаверди, — деди ви-
лоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи,
кўрик-танлов ҳайъати аъзоси Турдали
Умаралиев. — Мамлакатимизда, вилоятим-

изда ўтказилаётган хилма-хил кўрик-тан-
ловлар ана шу мақсад сари йўналтирилган
яхши аънавалардан биридир. Унда кўрик-
танлов иштирокчилари ўзларининг нима-
ларга қодир эканликларини, қандай ютуқ
ва қамчиликларга йўл қўйганликларини,
шунингдек, ўз фаолиятлари мобайнида
қайси томонларга кўпроқ эътибор бериш,
қайси жиҳатларини мукамаллаштириш за-
рурлигини аниқлаш оладилар. Бундай си-
нов, кўрик-танловлар, айниқса, маънавий
соҳаси мураббийлари истеъдодининг сай-
қаллашишига ёрдам беради.

— Танлов ҳайъати аъзоларининг қаттиқ-
қўллиги, ҳар бир ҳаракатини, ҳар бир чи-
қишларини зийраклик билан кузатиб бориш-
лари ва одилона баҳолашлари менга ёқди,
— деди Тошкент туманидаги 6-ўрта мактаб
маънавият ўқитувчиси, танлов иштирокчи-
си Умида Махмудова. — Кўрик-танлов ўта-
ган шу паллада ўз олдимга қўйган мақса-
димга баъзи бир ўзгартишлар киритишим
зарурлигини аниқладим. Ғолиб бўлмасамда
жонажон мактабимга, ўқувчиларим орасига
ёруғ юз билан қайтаяман. Чунки, маҳорат
бобида анча забардаст рақиблар билан бел-
лашдим ва ҳали кўп ўқиб-ўрганишим, меҳнат
қилишим зарурлигини аниқлаб олдим.

Кўрик-танловнинг қизгин мунозара ва
тортишувларга сабаб бўлган яқунловчи
қисмида ўзининг босқичлиги, дадиллиги,
томошабинларни жўшқин ифодали ҳара-
катлари, жозибали ва ёник сўзлари билан
жалб эта олган Бўка туманидаги 12-ўрта
мактабнинг маънавият ўқитувчиси Оллаберди
Рустамов ғолиб деб топилди. Иккинчи
ва учинчи ўринлар Бекобод туманидан
Маҳфизат Ирисқуллова, Оқангарон шаҳри-
дан Унсиной Мўйиддинова, зангиоталик
Мастура Носироваларга nasib этди. Юқори-
чириклик Гулсара Турғунова, ўртачирик-
лик Турсунной Саидолимовалар эса, рағ-
батлантирувчи мукофот соҳиб бўлдилар.
Шу кунги ғолиб ва совринли ўрин эгалла-
рига, барча иштирокчиларга танлов таш-
килотчиларининг фавқий ёрликлари ҳамда
ҳомийларнинг қўмнатбохо эсдалик совға-
лари топирилди. Энди Оллаберди Руста-
мов «Энг яхши маънавият ўқитувчиси» ре-
спублика кўрик-танловида қатнашиб, вило-
ят шарафини химоя қилади.

Шавкат ҚУЛИБОВ,
«Тошкент ҳақиқати» махсу-
с муҳбири.

Универсиада — 2002

Қадимий ва навқирон Бухоро универсиа-
дачиларини кўнгилдагидек қўтиб олиш учун
ҳар жиҳатдан мукамал тайёрлик кўрди.
Жумладан, универсиаданинг очилиш ва ёпи-
лиш маросимлари тантанали суратда ўткази-
ладиган Бухоро марказий ўйингоҳи халқаро
андозалар талабларига мос ҳолда тубдан
қайта қурилди.

МАШЪАЛА ПАРКЕНТДАН ЙЎЛ ОЛАДИ

Шунингдек, спортнинг 12 тури
бўйича мусобақалар бўлиб ўтадиган
спорт мажмуи ва ўйингоҳлар ҳам
беллашуларни бошлаш учун тахт
қилиб қўйилди. Юғуриш йўлақларига
машҳур «Полиат» немис фирмасида
тайёрланган сунъий гиламлар ётқи-
зилган.

Одатдагидек, «Универсиада-2002»
спорт ўйинларининг машъаласи Пар-
кент туманидаги «Физика-Куёш» ил-
мий ишлаб чиқариш марказида ала-
нга олдирилиб, махсус тузилган йўла-
қа бўйлаб, яъни мамлакатимизнинг
қатор шаҳар ва туман марказлари оша
Бухорога етказиб келинади. Шуниси
диққатга сазоворки, республикамиз
ташқарисидан ҳам қизиқчи тобора
кучайиб, нуфузи ортиб бораётган
ушбу спорт мусобақалари 30 дан зиёд
мамлакатга ҳам тўғридан-тўғри олиб
кўрсатилди.

Илгари хабар берганимиздек, 147
нафар спортчи талаблардан ташкил
топган вилоятимиз терма жамоаси Тош-
ДАУ спорт мажмуи, Митрофанов но-
мидаги сув спорти хавзаси ҳамда Тош-
кент тумани ўйингоҳларида қизгин
тайёргарлик кўрмоқда. Биз машғулот-
лар чоғида айрим истеъдодли спортчи-
лар билан суҳбатлашдик. Қуйида
уларнинг дил сузларини эътиборин-
гизга хавола этмаиз.

Давлат ЧОРИЕВ,
ТошДАУнинг иккинчи курс
талабаси
— Мен аввало бизга шундай

қулай шароитлар яратиб берган уни-
верситет раҳбариятига раҳмат айтмоқ-
чиман. Шунингдек, устозларим Омон
ака Тоймуродов ҳамда Ўзбекистон
Республикасида хизмат кўрсатган му-
раббий Аширбек ака Абдусатторовга
ҳам миннатдорчилик билдирдим.
Уларнинг бевоисита раҳбарлигида
ҳамма машғулотлар юқори савияда
ўтмоқда. Фақат мен эмас, жамоадош-
ларим бўлган истеъдодли полковлар
Шухрат Муродов, Улугбек Исмоилов
ва Лазиз Қобиловларнинг ҳам со-
варинли ўринларини эгаллашларига
ишонаман.

Диана ПЛУМАКИ,
ТошДАУнинг биринчи курс
талабаси

— Универсиада ўйинларида кучсиз
жамоа ёки кучсиз ўйинчи бўлмайди.
Шу боис маҳоратни яхшилаб чархлаш
билан бирга руҳий жиҳатдан ҳам тай-
ёрланиш керак бўлади. Шу жиҳатдан
қараганда, бу йил терма жамоа аъзо-
лари мусобақалар бошлангичидан бир
ой илгари бир ерда жам бўлиб, мах-
сус тартиб асосида машғулотлар ўтқа-
зилгани айтиш мумкин. Уйланган-
ки, енгил атлетикачиларимизнинг уни-
версиадага тайёргарлиги чакки эмас,
медалларга бемалол умид боғлаш
мумкин. Ўзимнинг имкониятларим
ҳақида шунини айтишим лозимки, уч
хатлаб сакрашда фақат самарқандлик
Ирина Пак менга жиддий рақиб бўла
олади.

Самат САРИМСОҚОВ.

Ижро назорати

ҚОНУНГА БЎЙСУНМОҚ ШАРТ

лекин, у унутилганда, ишда масъулиятсизлик
ва пала-партишлик бошланади

Илгари хабар берганимиздек,
назорат органлари фаолиятини мувофиқ-
лаштирувчи Республика Кенгашининг
Тошкент вилояти бўйича ҳудудий коми-
ссиясининг навбатдаги йиғилиши
бўлиб ўтди. Уни комиссия аъзоси,
Тошкент вилояти ҳокимининг ўринбо-
сари Абдухамид Йўлдошев бошкарди.

Вилоят комиссияси раисининг ўрин-
босари, Давлат солиқ бошқармаси
бошлиғи Мирзохид Комилонинг «На-
зорат органлари томонидан 2002 йил-
нинг биринчи чорагида ҳўжалик юри-
тувчи субъектлар фаолияти текшири-
лишини мувофиқлаштирилиши ақула-
ри ҳақида»-ги ахбороти тингланиб, му-
ҳомама қилинди. Маърузачи ва нотик-
лар сўнги йилларда текширишларнинг
тартибга солинишига оид қонунчилик
талабларига риоя этилишини таъмин-
лашга қаратилган аниқ тадбирларни
амалга ошириш давом эттирилганли-
гини таъкидлашди. 860 ҳўжалик юри-
тувчи субъектларнинг фаолияти тек-
ширилди. Назорат органлари бу тад-
бирни чуқурроқ тарзда ўзаро мувофиқ-
лаштира бошладилар. Натижда тек-
ширишларнинг 91,9 фоизи биргалик-
да амалга оширилдики, бу ишдаги
камчилик ва нуқсонларни ҳар жиҳат-

дан тўла-тўқис аниқлаш, уларни бар-
тараф этишга доир жамланган тавсия-
лар бериш имконини тўғдирипти. Агар
жами 2246 текширишнинг 1737таси
ёки 77 фоизда қондабузарлик ҳола-
ти аниқланганлигига эътибор берил-
са, бунинг аҳамияти ниҳоятда теран
аниқлашади. Текширишларнинг ақун-
лари бўйича 562,5 миллион сўм миқ-
дорда молиявий жарима солинди.
Иқтисодий қондабузарликлар юзаси-
дан давлат бюджети ҳисобига 594
миллион сўм ундирилиши ҳақида ало-
ҳида қарорлар қабул қилиниб, камчи-
ликларга йўл қўйган 1302 рақбар ва
мансабдор шахсга нисбатан маъмурий
жазо чоралари қўлланилди.

Йиғилишда бир жиҳат алоҳида таъ-
кидланди. Айтқоқимизки, корхоналар,
ташкилотлар, тадбиркорлик таркиб-
ларида текширишлар изга тушапти.
Чунонки, ҳисобот даврида улар ўтган
йилнинг шу давридигидан 164 тага
камаяпти. Текширишларнинг даврийли-
ги ва давомийлигига бўлган қонунчи-
лик талабларига амал қилиш кучайиб,
самарадорлик 14 фоиз кўтарилди.
Режадан ташқари текширишлар маса-
ласини кўришда ҳам комиссиянинг та-
камчилик ва нуқсонларни ҳар жиҳат-

(Давоми 2-бетда).

Бир хат изидан

Туман ижтимоий таъминот бўлими мудирини хонасига ёшига
аёл кириб келди.
— Кечирасиз, сиз Тошкентдан келган муҳбиримизсиз? — сўради
у салом-алиқдан сўнг. «Ҳа, мен» деган жавобдан кейин ўзини
тааништирди: — Гулчехра Орзиева бўлман. Бахтиёр Орзиевнинг
рафикаси... Келганингизни эшитиб, мени олдингизга юборди.
Юришга қийналади, шунга қолломади. Ишимга бораётиб сиз-
ларга учраб кетай деб кирган эдим.

ОРЗИЕВ НИМАДАН НОРОЗИ?

— Овора бўлишингизнинг зарура-
ти йўқ эди. Ҳозир ўзимиз йўлга
чиқмоқчи эдик. Узи дурустми?
— Аввал бирмунча яхши эди, 2001
йил май-июнь ойлари оралиғида
«Товоқсой» сўхатгоҳига даволанишга
борганида йўқлибди. Ёнида ҳамроҳ
бўлмас қўйин унга. Қўзи яхши
кўрмайди. Бир ўзи кетганди. «Бота-
ника»га йўлланма сўрасак, йўқ
дейди. Оладиган нафақаси дори-
данан ортмайди. Жуда қийналиб
кетдик.

— Ҳеч ким сизлардан хабар
олмаётганини, ёрдам бермаётганини?
— «Ешлик» савдо корхонаси
раҳбари Қарим ака Эрназаров
рўзгоримизга ёрдамлашиб туради.
Нима етишимовчилик бўлса, етказди.
Туман ҳокимлигидан ҳам яқинда
моддий кўмак олдик.
Шу ўринда бир масалага аниқлик
киритиб кетсак. Бахтиёр Орзиев
тахририятга йўллаган шикоят хатига
жумладан шундай ёзган эди:
... «Хатто Бекобод туман ижтимо-

ий таъминот бўлими мудирини Ю.Су-
лаймонов ҳам мени алдаб келди.
2001 йил 1 октябрь кунига 44861
сонли «Ботаника» санаторийсига
йўлланма қаратилган экан. Уша
йўлланма менга берилиши керак
эди. Лекин у таниш-билишчилик
қилиб сотилган. Мен билиб қолган,
вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш бош бошқармасига
шу тўғрида мурожаат қилдим.
Жавоб хатига Ю.Сулаймонов ҳамда
мазкур ташкилотнинг ижтимоий
ёрдам ва қўллаб-қувватлашини
ташкил этиш бўлими бош мутахас-
сиси Доно Жумабоева тушунириш
беришча, йўлланма навобати етиб
келмаган пенсионер Ш.Жўраевага
берилган экан. Улар бошқармага
ёлган тушунириш беришган.
Пенсионер Ш.Жўраев «Ботаника»
санаторийсига бормаган... йўлланма-
ни сотиб олиб, бошқа одам кет-
ган...»

(Давоми 2-бетда).

